



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA MOLIYAVIY ҲИСОБОТ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ҚЎЛЛАШ

**Абидов Хабибулло**

Солиқ кўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

**Аннотация.** Мақолада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, тан олиш ва қўллаш масалалари ёритилган. Амалиётда қўлланинаётган бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришнинг йўналишлари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** бухгалтерия ҳисоби, МҲҲС, стандартларни тан олиш, қўллаш.

## ПРИЗНАНИЕ И ПРИМЕНЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**Абидов Хабибулло**

Фискальный Институт при Налоговом Комитете

**Аннотация.** В статье рассматривается переход на международные стандарты финансовой отчетности, их признание и применение. Обозначены направления совершенствования применяемого на практике бухгалтерского учета на основе международных стандартов финансовой отчетности.

**Ключевые слова:** бухгалтерский учет, МСФО, признание стандартов, применение.

## RECOGNITION AND APPLICATION OF INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Abidov Khabibullo**

Fiscal Institute under Taxation Committee

**Annotation.** The article discusses the transition to international financial reporting standards, their recognition and application. The directions for improving accounting used in practice on the basis of international financial reporting standards are outlined.

**Keywords:** accounting, IFRS, recognition of standards, application.

### Кириш.

Мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви натижасида бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ислоҳатлар натижасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲҲС) ўтиш бўлди.

Мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш учун асос бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24- февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли қарори ҳисобланади (Қарор, 2020).

### Адабиётлар шарҳи.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг моҳияти, унга ўтишнинг зарурияти иқтисодий адабиётларда турлича ёритилган.

Ибрагимовнинг (2023) ёзишича, "Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мослаштириш, айниқса компания ва фирмалар молиявий кўрсаткичларига баҳо беришда ва уларнинг халқаро миқёсда ҳаракат қилишида ва муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Республикаси корхона ва хўжалик субъектларида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларни келиб чиқиш тарихи ва унинг эволюцияси асосида хўжалик юритувчи субъектлар бўйича молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллашнинг ишчи режаси ва амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга қўллаш жараёнини кўриб чиқиш лозим" (Ибрагимов, 2023).

Каримов ва Жўрақуловларнинг (2022) фикрича, ҳар бир корхона молиявий ҳисобот трансформацияси бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши шарт. Шу боис, компанияда молиявий ҳисобот трансформациясини амалга ошириш учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак:

- компанияда МҲХСлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботига зарурият бўлиши керак. Компаниянинг ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларида МҲХС бўйича тузилган молиявий ҳисоботдан фойдаланиш ва унинг асосида қарорлар қабул қилишига муҳит юзага келиши шарт;

- миллий стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисобот объектив, ишончли, уйғун ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартларига тўлиқ мувофиқ келиши керак (Каримов ва бошқалар, 2022).

Трофимова (2018) томонидан компания ва фирмалар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш жараёнида ўхшаш операциялар, бошқа ҳодисалар ва шароитларга тегишли ҳисоб сиёсатини изчил равишда танлаши ва қўллаши керак, деган фикр билдирган. Демак ушбу фикрдан хулоса қилишимиз мумкинки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари моддаларнинг тоифаларга бўлинишини талаб этса ёки рухсат этса, бундай ҳар бир тоифага тегишли бўлган ҳисоб сиёсати изчил равишда танланиши ва қўлланилиши лозим деган фикрни билдиради (Трофимова, 2018).

Исманов (2017) МҲХСни моҳиятини қуйидагича ёритади: "МҲХС корхона фаолияти тўғрисида молиявий ахборотларнинг манбаи бўлган ва фойдаланувчилар учун хизмат қиладиган молиявий ҳисобот тайёрлашга йўналтирилган. Ушбу стандартлар алоҳида олинган мамлакатнинг қонунчилигига боғланмаган ва фаолият тури, ўлчами, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан катъий назар барча корхона ҳисоботини шакллантириш учун йўналтирилган" (Исманов, 2017).

Ташназаровни (2021) такидлашича, мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа корхоналарнинг ихтиёрийлик асосида ўз ташаббуслари билан МҲХСлари асосида молиявий ҳисоботга ўтишларига эришишимиз лозим. Корхона ва ташкилотлар ўзлари МҲХСларига ўтишда наф олишлари, унинг афзалликларини ҳис қилишлари лозим. МҲХСлар орқали инвестициявий жозибадорлигига эришиш йўли билан корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифа сифатида қаралиши лозим (Ташназаров, 2021).

Курбанов ва Акрамовларнинг (2015) фикрича "Республикамизда бухгалтерия ҳисобини босқичма-босқич молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш жаҳон интеграциясига янада кенгроқ кириб бориш имкониятини беради. Бу эса Республикамизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги босқичи бўлиб қолади" (Курбанов ва бошқалар, 2015).

Путникова, Урбанлар (2022) молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни қуйидагича изоҳлайди: “Беларусь Республикасининг молиявий ҳисоботларини халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ўзгартириш МҲХСга ўтиш йўлидаги биринчи, жуда муҳим ва мажбурий қадамдир” (Путникова ва бошқалар, 2022).

Бобобековни (2022) қайд этишича, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий, мулкӣ ва молиявий ҳолатини, уларнинг ўтган даврлардаги молиявий натижаларини қиёсий ўрганиш ва объектив баҳолаш орқали келгусидаги фаолиятни кенгайтириш, ташқи молиявий манбаларни излаб топиш, халқаро молиявий институтлардан капитал жалб қилиш имконини беради (Бобобеков, 2022).

#### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида акциядорлик жамиятларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари, молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида юритишнинг назарий асослари ўрганилади, молиявий ҳисоботни банк тизимига қўллаш жараёни, трансформацион жадваллар, ҳисоботни шакллантиришнинг назарий асослари ўрганилди, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига боғлиқ кўплаб илмий нашрлар талқин қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув усулларида фойдаланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХСлар) - бу Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари Кенгаши (БҲХСК) томонидан чиқарилган Стандартлар ва Шарҳлардир.

Улар қуйидагиларни камраб олади:

- Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари;
- Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари;
- МҲХСларни Шарҳлаш бўйича Қўмита (МҲХСШК) томонидан чиқарилган Шарҳлар;
- Шарҳлаш бўйича Доимий Қўмита (ШДК) томонидан чиқарилган Шарҳлар.

МҲХС – бу ташкилот молиявий ҳисоботни қандай юритишини, унда қандай хўжалик операцияларини акс эттиришини ва ҳисоботни қандай тузишини белгилаб берадиган қоидаларнинг муайян тўплами.

Мамлакатимизда МҲХСларига ўтиш жараёнини бир қанча босқичларга ажратишимиз мумкин: Биринчи босқич (2015-2016 йиллар) –МҲХСларига ўтишга киришиш босқичи; Иккинчи (2017-2023 йиллар) –МҲХСларини жорий этишнинг янги сифат босқичи; Учинчи босқич (2024 йилдан кейинги давр) –МҲХСларига тўлиқ ўтиш даври.

С.Н.Ташназаровнинг қайд этишича, Ўзбекистонда МҲХСларини жорий этиш борасида амалга оширилган ишлар тараққиётин учта босқичга ажратилди: биринчи босқич (2015 –2016 йиллар) –МҲХСларига ўтишга киришиш босқичи; иккинчи (2017 – 2023 йиллар) –МҲХСларини жорий этишнинг янги сифат босқичи; учинчи босқич (2024 йилдан кейинги давр) –МҲХСларига тўлиқ ўтиш даври. Ушбу даврларда сифат жиҳатдан кўтарилиш амалга оширилди. МҲХСларига мувофиқ ҳисобот тайёрлаш йўлга қўйилди. 2024 йилдан эътиборан МҲХСларига тўлиқ ўтиш кўзда тутилиши қайд этилди (Ташназаров, 2023).

МҲХСлари асосида тузилган молиявий ҳисоботларнинг афзаллик томонлари, уларда акциядорлар ва инвесторлар учун фойдали бўлган ахборотларни акс эттириш, энг муҳими ҳаққоний баҳолашга асосланган ҳисобот эканлиги, унинг асосида нафақат ўтган ҳодисалар бўйича хулоса чиқариш, балким келгуси фаолиятга доир бўлган қарорлар ҳам қилиш мумкинлиги, унинг самарали тизим, бошқарувда муҳим дастак эканлигини ҳис қилиши ва реал ҳаётда жорий қилишларига эришиш керак.

Ҳисобот стандартлари молиявий маълумотларга оид ахборотни қандай мезонларга кўра тан олиш, уларни баҳолаш, таснифлаш, ифодалаш ҳақидаги қоидаларни ўз ичига олади. Уларнинг баъзиларини айтиб ўтамиз: МҲХС (IAS) 1 «Молиявий ҳисобот кўринишлари», МҲХС (IAS) 2 «Захиралар», МҲХС (IAS) 16 «Асосий воситалар», МҲХС (IFRS) 15 «Харидорлар шартномаларидан олинган савдо тушумлари», МҲХС (IFRS) 16 «Ижара», МҲХС (IAS) 41 «Қишлоқ хўжалиги», МҲХС (IFRS) 9 «Молиявий инструментлар» ва бошқалар.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш борасида маълум ишлар амалга оширилди.

Солиқ ҳисоботларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар талабларига мослаштириш бўйича солиқ ҳисоботи шаклларига ўзгартиришлар киритилди.

Олий таълим тизимидаги бухгалтерлар тайёрлайдиган муассасалари ўқув режасига молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан боғлиқ фанлар киритилди.

### **Адабиётлар / Литература/Reference:**

Бобобеков Б.Қ. (2022) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида товар моддий захираларнинг ҳисобини ташкил этиш методологияси. *Iqtisodiyot va ta'lim / 1-son.*

Ибрагимов А.К. (2023) Ўзбекистон банк тизимида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш масалалари. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, iyul.*

Исманов И.Н. (2017) Бухгалтерия ҳисоби тизимининг молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига трансформациясининг зарурияти. *Иктисод ва молия / Экономика и финансы, 3.*

Каримов А.А, Жўрақулов Л.С. (2022) Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни мҲХС асосида ташкил этишдаги трансформацияси зарурати. *О'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali 8-son 20.05.2022.*

Курбанов З.Н., Акрамов Ф.А. (2015) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг долзарб масалалари. «Бизнес-эксперт» журнали. 4-сон.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4611-сонли қарори.

Путникова Е.Л., Урбан В.А. (2022) Подготовка бухгалтерской отчетности согласно международным стандартам финансовой отчетности. *Вестник Белорусской государственной сельскохозяйственной академии. №2*

Ташназаров С.Н. (2021) Мажбуриятлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш. «Экономика и социум» №5(84).

Ташназаров С.Н. (2023) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишдаги тажрибалар ва жадаллаштириш омиллари. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2023-yil, noyabr.*

Трофимова Л.Б. (2018) *Международные стандарты финансовой отчетности: учебник, –М.: Издательство Юрайт. -242 с.*